



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 19-iyun. Seshanba 75 (31.507) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz



Парламентда



ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

## ИНТИЛИШ ВА ҲАРАКАТ БЎЛСА

муаммолар қоғозда қолиб кетмайди

ЎзХДП Марказий Кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда жойларда «Минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда ва депутатлик назоратини оширишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг ўтказмоқда.

Навбатдаги тадбир Урганч шаҳрида ташкил этилди. Унда асосан маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолияти танқидий таҳлил этилиб, улар ишнини янада жонлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Семинарда таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий-сиёсий ислохотларда таъсирли кучга айланиши аввало депутатлик гуруҳларининг жой-

ларда қандай ишлаётганига боғлиқ, албатта. Шу маънода, бугун улар электорат манфаатини ҳимоя қилиш, тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш борасида депутатлик назорати ўрнатишда ҳар қачонгидан фаол, ташаббускор ва изланувчан бўлиши талаб этилади.

(Давоми 2-бетда.)

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ

бўйича вазирлик ҳисоботи тингланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Қонунчилик палатаси қарори билан тасдиқланган «2012 йилга мўлжалланган иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг биринчи чорақдаги ижроси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

(Давоми 2-бетда.)



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

ЎзХДП: электорат манфаати

ЎзХДП Олмазор туман кенгаши ташаббуси билан 1-Мурувват уйида жисмоний имконияти чекланган болалар учун байрам тадбири ташкил этилди. Унда партия фаоллари, ҳомий ташкилот вакиллари иштирок этди.

## МЕҲР-ЭЪТИБОР

болалар кўнглини кўтаради, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдамлашади



— Бу болаларнинг кўнгли но-зик бўлади, уларга оз бўлсада қувонч улашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, — дейди ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси Камолитдин Ақромов. — Бу ҳақда сўз кетганда шунини айтиш керакки, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатини ҳимоя қилишни ЎзХДП ўз зиммасига олган. Бугунги тадбир Мурувват уйидаги мана шу болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмак бериш мақсадида ташкил этилди.

таълим-тарбия бермоқда, — дейди **Мурувват уйи директори, ЎзХДП фаоли Татьяна Саидова**. — Улар тарбияланувчиларнинг ўз онасидек бўлиб қолган. Имкон қадар болаларнинг ҳар бирига алоҳида меҳр-эътибор билан қарашга, уларнинг кўнглини оғритмасликка ҳаракат қиламиз. Қолаверса, бу ерда болалар олий тоифали шифокорлар назоратида бўлишади.

— Бу ерда 40 нафар тажрибали педагог-психолог 300 нафардан зиёд жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларга

Бугунги тадбирдан ҳаммамиз шодимиз. Ўзим ҳам болалар билан мириқиб рақсга тушимиз. Уларнинг қувончидан бошим осмонга етди.

**Нурали ОРИПОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

### Халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик!



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Мустақиллик майдони... Қадамидан ўт чақнаётган озод юрт ёшлари, бахтли болаликнинг шодон кулгулари, ёши улугларимизнинг тинчлик, озодлик шукроналари, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўяётган Ўзбекистонимиз дўстлари, меҳмонлари, юртдошларимиз, бахтиёр келин-куёвлар, Эзгулик аркасидаги лайлаку турналарга қўлини чўзиб югураётган ўғил-қизлар... Мустақиллик майдони. Озод инсонлар орзулари, ниятлари, интилишлари.

⇒ 4

### Ёшлар — мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи кучи

## МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ АВЛОД

буюк ишларга қодир бўлади

Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда ёшлар тарбияси ҳақида билдирилган ҳар бир фикр, ўртага ташланган, барчамизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундаган саволлар ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти зиммасига ҳам янги-янги вазифалар қўйди.

Мамлакат номини бутун жаҳонга танитувчи, куч ва салоҳиятидан сўзловчи, буюк келажagini таъминловчи асосий омиллар ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизда энг аввало, юртимизда униб-ўсиб келаётган, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлод намоён бўлади.

Бугун озод юрт ёшларининг спорт, санъат ва илм-фан каби кўплаб соҳаларда қўлга киритаётган, бошқаларнинг ҳавасини келтириб, ҳайратга солаётган жаҳоншумул ютуқларини бутун дунё эътироф этапти, тан олапти. Ўзбек фарзандлари халқаро фан олимпиадалари, дунёнинг нуфузли мусиқа фестиваллари ёки спорт мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этиб келишмоқда.

(Давоми 3-бетда.)



### «O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Partiyalararo баҳс:

## СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ёки номига қўлинган танқид тил учидан айтилган гапга ўхшайди

www.uzbekistonovozi.uz

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2012 YIL 19 IYUNDAN BO'SHLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Евро	2364,69	1 Дания кронаси	321,52	1 Хитой юани	296,14	1 Туркия лираси	1043,09
1 АҚШ доллари	1881,31	1 БАА дирхами	512,21	1 Украина гривнаси	235,38	1 Швейцария франки	1989,12
1 Россия рубли	58,07	1 Миср фунти	311,32	1 Малайзия ринггити	597,91	10 Жанубий Корея вони	16,24
1 Австралия доллари	1902,19	1 Исландия кронаси	15,09	1 Польша злотийси	563,05	1 Япония иенаси	237,93
1 Англия фунт стерлинги	2955,16	1 Канада доллари	1842,98	1 СДР	2859,12		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Парламентда

# ИШ ҲАМ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## Бўйича вазирлик ҳисоботи тингланди

Фуркат ХАЛИЛОВ,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўринбосари:

— 2012 йил иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида 967,5 минг иш ўрни очилди ва 234,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 153 мингтадан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилган эътиборга молик.

Иш ўринларининг 10,9 мингтаси янги корхоналарни ишга тушириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш, 86,6 мингтаси янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар, 30,1 мингтаси яқин тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 17,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 153 мингтадан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилган эътиборга молик.

Кичик бизнесда моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва кре-



дитлашнинг кенгайтирилиши орқали яратилган шарт-шароитлар натижасида 13 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар ўз фаолиятини бошлади. Мана шунинг ҳисобидан 86,6 мингта иш ўрни очилди.

Уй меҳнати, касаначилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига 54,7 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, chorvachilik, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, полиз-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга ик-

тисослаштирилган фермер ҳамда деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш, улар фаолият турини кенгайтириш, шунингдек, иссиқхоналар ташкил этиш ҳисобига 32,3 минг иш ўрни яратилди.

Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш 17,1 мингта иш ўрни яратиш имконини берди. Тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини тиклаш туфайли янада чуқурлаштириш, chorvachilik, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, полиз-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга ик-

ишга жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталишди. Бу соҳада ҳар бир шаҳар ва туманда «корхона-қоллеж» ҳамкорлик тизими асосида бир қатор ишлар амалга оширилгани, натижада 501,5 минг нафар коллеж битирувчиси 93 мингта корхона ва ташкилотга амалиёт ўташ учун бриктирилгани қайд этилди.

Тадбирда қўрилган масалалар ижроси бўйича мавжуд муаммолар ва ечимини кутаётган масалалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Жумладан, янги иш ўринлари ташкил этиш дастури бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Бухоро вилоятининг Шофирқон ва Жиззах вилоятининг Дўстлик туманларида, дастурнинг кичик саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича Андихон вилоятининг Олтинқўл, Марҳамат ва Қашқадарё вилоятининг Ғузор, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, қувватларни янгилаш, кичик корхона ҳамда микрофирмаларни ташкил этиш йўналиши бўйича Бухоро вилоятининг Вобкент ва Ромитан, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш бўйича Жиззах вилоятининг Арнасой, Ғаллаорол ва Миришкор туманларида белгиланган ишлар талаб даражасида бажарилмаган.

Депутатлар бу камчиликлар сабабларини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, дастур ижросини таъминлаш бўйича ҳар ойда назорат-таҳлил ишлари амалиётини кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳоли, жумладан, ёшлар, хотин-қизларни доимий меҳнатга жалб этиш бўйича амалий тадбирларни амалга ошириш, иссиқхоналарни қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимосини таъминлаш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Тадбир сўнггида қўмитанинг тегишли қарорни қабул қилиниди.

Гулрўх ОДАШБОВЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: маҳаллий кенгашиларда

# ИНТИЛИШ ВА ҲАРАКАТ БЎЛСА

## муаммолар қоғозда қолиб кетмайди

Аҳмаджон ВАИСОВ,  
ЎзХДП Хонқа туман кенгаши раиси:

— Айни пайтда касб-хунар коллежларида ёшларга тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадидан ҳамда бу муассасаларда шифокор штаби жорий этиш борасида туман Кенгаши сессияси қабул қилган қарор ижроси бўйича мониторинг ўтказаяпмиз.

Аслида, бу ҳар биримизни ўйлантириши, бир зум ҳам кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган масала. Чунки, коллежларда асосан балоғат ёшидаги ўсмирлар тахсил олади. Бундай ёшда инсон организми тўхтавсиз ўсишда бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашча, бу жараёнда ҳар хил касалликлар нисбатан кўпроқ хуруж қилади. Ўсмирлар тез толиқадиган, жинз-заканга ва асабий бўлиб қолишади. Бу эса истаган пайтда турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис муаммага ижтимоий ечим топиш учун депутатлар ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиши, уни сессия ва доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиши, депутатлик сўровидан фойдаланиши жуда муҳим.

Назира МАТЯКУБОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Депутатлик сўрови институти жойларда электратни таъминлашга солаётган муаммоларни бартараф этиш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига тўсиқ бўлаётган масалаларга ижро ҳокимияти дирекцияси қаратиш ва шу орқали сайловчилар ишончини қозонишни энг қулай ва синалан усули. Қонунда депутатлик сўровига ўн кун ичида жавоб берилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Аммо барча депутатлар ҳам мана шу имкониятдан, улар учун берилган катта ва-

колатдан ўз ўрнида, етарли даражада фойдалана олмапти.

Баъзида эса бирор масала юзасидан сўров билан тегишли ташкилотга чиққан депутат унинг натижасини назорат қилмапти. Уларнинг «Депутатлик сўрови ўтказдингми? Ўтказдингми...» қабилда иш тутаётгани ҳеч бир андозага тўғри келмайди. Бугун айрим депутатлар депутатлик мансаб ҳам, мартаба ҳам эмаслиги, аксинча, ҳар доим одамлар орасида юриши, кишиларнинг қувонч ташвишига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш бурчи, ва-зифаси эканини унутиб қўётганга ўхшапти. Мана шу тоифанинг совуққонлиги туфайли муаммо ечими қоғозда қолиб кетмоқда. Бугунги тадбир шу каби масалаларга ойдинлик киритиб, камчиликларимизни аниқлаб олишда қўл келди.

Шарифбой ЮСУПОВ,  
ЎзХДП Янгибозор туман кенгаши раиси:

— Туман марказида аҳоли зич бўлгани боис вақтинча иссиқ одамлар асосан фермер хўжалиқларида мавсумий ишларга жалб этилади. Яқинда кенгаши қўшиқдаги Жамоатчилик қабулхонасига бир неча хотин-қиз муурожаат қилди. Масала шуки, улар фермернинг ғўзасига ишлов беришга кўмаклашган. Озгачи тарзда иш ҳақи ҳам келтирилган. Бироқ иш битган, фермер ваъда қилган маблагнинг ярмини бераман, деб туриб олган. Назаримда, вақт-бай ишлаш бўйича меъёрий ҳужжат тайёрлаш, қонун қабул қилиш вақти келди. Депутатлар бу масалага эътибор қаратиб, тақлиф ва ташаббус билан чиқиши керак.

Семанар-тренингда маҳаллий Кенгашилардаги партия депутатлик гуруҳлари кўтарилган муаммоларга ечим топиш борасида тавсия ишлаб чиқишди.

Рўзимбой ҲАСАН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Партияларо баҳс

# ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ

## «адолатчи»лар қайсарлик билан тан олишни иштирамапти

Мамлакатда демократик тамойилларнинг мустаҳкам қарор топиши ва кучли фуқаролик жамияти барпо бўлишининг энг муҳим омилларидан ҳисобланган кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши партия матбуотининг ҳам босқичма-босқич тақомиллашиб боришига катта замин яратди. Буни сиёсий партия нашрларида ўз-ўзини танқид, сиёсий ўқувлар, бошланғич ва ҳудудий ташкилотлар фаолияти ҳақидаги таҳлилий чиқишларга кенг ўрин берилаётгани, энг асосийси, мақолалар сифат жиҳатдан янада ўсгани мисолида ҳам пайқаш қийин эмас.

Айниқса, партияларо рақобат тораба изчил тус олаётгани кишиларнинг партия матбуотида бўлган муносабатини ўзгартирмоқда, уларнинг сиёсий нашрларга қизиқишини оширмоқда. Бу жараён эса сиёсий партия нашрлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Бугун газетхонлар юзика мақолалар, бир қолипдаги уйдирма ва ёлғон маълумотларни қабул қилмайдди. Улар партияларо сиёсий курашда ҳам ҳолис ва ҳаққоний фикрлар, аниқ фактлар асосидаги таҳлилий мулоҳазаларни қутади. Партияларо рақобатнинг соғлом, малакали ҳамда амалий негизда олиб борилишини айнан шу омиллар таъминлайди. Бироқ, сўнгги пайтларда «Адолат» СДП нашрида эълон қилинаётган мақолаларда қайсарлик билан бирга ўта доноликка даъвогарлик руҳи ҳам кўзга ташланмоқда.

ЎзХДП ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида тизимли равишда ўтказилаётган иқтисодий форумлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлаштишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар, кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган, бироқ қўлида касби-хунари бор одамлар манфаатига хизмат қилмоқда. Буни кенг жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда.

«Адолат» газетасининг 2012 йил 4 май сониде эълон қилинган «Адолат» СДП ҳаёт ҳақиқати қарши бормайди ва ана шу ҳақиқат амалга ошмай қолиши билан ҳам келишолмайди» сарлавҳали мақо-

лада бу ташаббус самарасини инкор этишга ҳаракат қилинади. Жумладан, «адолат»чилар даввосида, ЎзХДП фаоллари ва ҳамкор ташкилот вакиллари кўмаги билан ўз бизнес-режаси, мақсадли лойиҳасига эга фуқароларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топирилган-у, бироқ унинг натижаси назоратта олинмаган, сертификат тақдирига бефарқ қаралган. «Имтиёзли микрокредит учун сертификатларни қўлга киритган юзлаб электротар вакиллари белгиланган сармомияни ололмайд овора...»

Бироқ бу гапларга далил сифатида ҳеч қандай асос келтирилмайдди. Хўш, сертификатда кўрсатилган маблағни айнан қилган ололмапти? Эки қимдир шу муаммонинг ечим юзасидан «адолат»чиларга муурожаат қилганмикан?! Қани бу ерда ҳолислик?

Энг қизиги, ўша мақолада иқтисодий форумда қатнашиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлган ва шу орқали бугун оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган эки уни янада кенгайтиришга эришган кишиларнинг фикрлари, уларнинг форум ташкилотчиларига айтган самимий миннатдорлик сўзлари ҳам келтирилди. Бу ўринда эса «адолат»чилар ЎзХДПни либераллар гоёсига эргашаётганлигида «айболоқчи» бўлишган. Ваҳоланки, бандлик масаласи, хусусан, уй бекалари учун касаначиликни ривожлантириш, ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган, аммо бунинг учун дастлабки маблағга мух-

тож ёшларни қўллаб-қувватлаш партияимизнинг устувор вазифаларидан эканини улар ҳисобга олмаптир.

Бир-бирини инкор этаётган бу ҳолат, айнан «адолат»чиларнинг ўзлари таъкидлаганидек, жўнгина аксиомани мутлақо қабул қилмай, инкор этиш, охири-охири мантиқдан буткул холи қайсарликка айланадиган нигилизмга асосланган ўжарлик, бошқа сиёсий кучларнинг ибратли амалий ишларини кўриб, кўрмасликка олишдан бошқа нарсаси эмас, бизнингча.

Мақоладаги яна бир жумлага эътибор қаратайлик. «**Боз устига, жорий йилда ЎзХДП Марказий Кенгашининг яна бир ташаббуси билан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Чала қолган ташаббус кетидан яна бир ташаббус, ажаб!»**

Бу гаплар мантиқ тарозисининг ҳеч бир палласига тўғри келмайди. 2011 йил давомиде юртимизнинг барча ҳудудларида тизимли равишда ўтказилган, бунинг натижасида 500 нафардан ортиқ электротар вакиллари бошланғич сармомияни шакллантириш ҳамда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни бошлаш учун имтиёзли кредитга эга бўлган, бу эса 1400 дан зиёд янги иш ўрни яратилишига замин ҳозирлаган лойиҳага нисбатан «чала» дейиш ҳақиқатга, ҳолислик тамойилларига мутлақо мос тушмайди.

Жорий йилда ЎзХДП «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини амалга оширмоқда. Бу — баъзи сиёсий партияларга ўхшаб ўзини ишлаётган қилиб кўрсатиш, қуруқ, аммо баландпарвоз гоёларни илгартириш, дегани эмас. Аксинча, гоёнинг ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Мазкур лойиҳани жорий этишдан мақсад электротар вакиллари таъминлашга солаётган саволларга малакали жавоб қайтариш, юзга келадиган муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқишдир. Энг муҳими, шу йўналишдаги тадбирлар натижасида аниқланган муаммоларни

маҳаллий Кенгашилар сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига тегишли қонунларни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар бериш кўзда тутилган.

Агар юртимизда ўзини ўзи бошқариш идоралари — маҳаллалар сонининг 10 мингдан ортиқлиги, Ўзбекистон Халқ демократик партияси электротарти асосан маҳаллада истикомат қилишини ҳисобга олсак, лойиҳанинг мазмун-моҳияти янада ойдинлашади.

Шу ўринда савол туғилади: Ўзини «социал-демократ» деб эълон қилган «Адолат» СДП шу йўналишда қандай амалий ишлар қилди, электротар манфаатига хизмат қиладиган қайси лойиҳа эки ташаббус билан чиқди? Эки улар ўз Сайловолди дастурида «**Партия Ўзбекистонда амалга ошириладиган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади... Биз ўзимизни аънанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларини амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат гоёларини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб билемиз»,** деб белгилаб қўйилган вазифани унутишдимикин?

«Адолатчи»лар ХДПнинг бу борадаги ташаббусларини қайсарлик билан инкор этиш ўрнига, мукобил аниқ тақлиф ва ташаббус билан чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Албатта, биз ишимизда хато-камчиликлар йўқ, дейишдан мутлақо йироқмиз. Дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш, сайловчилар, электротар ва хайрихоҳлар ишончини қозониш учун ҳали бажарилгани зарур бўлган ишлар талайгина. Бироқ партияимизнинг электротар манфаатига хизмат қиладиган амалий сай-ҳаракатларига ноҳолис муносабат билдирилиши билан келиша олмаимиз.

Аслида бу масалада баҳс юритишга ҳожат йўқ эди. Чунки, қайси партия қандай ишлаётгани одамларга яхши маълум. Биз фақат партияларо рақобат ҳолис ва соғлом фикрлар асосида келиши тарafdоримиз. Фақат шундагина танқид мева беради, хатолардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатади.

Дилшоод НАРЗУЛЛАЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шу ўринда савол туғилади: Ўзини «социал-демократ» деб эълон қилган «Адолат» СДП шу йўналишда қандай амалий ишлар қилди, электротар манфаатига хизмат қиладиган қайси лойиҳа эки ташаббус билан чиқди? Эки улар ўз Сайловолди дастурида белгилаб қўйилган вазифани унутишдимикин?



## Янгилик

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги «Автотранспорт соҳасида жорий этилаётган GPS (сунъий йўлдош орқали навигация) тизимига бағишланган» матбуот анжумани ўтказди.



— Агентлигимиз ушбу тизимнинг жорий этиш борасида пухта тайёрларлик ишларини олиб борди, — дейди Агентлик бошлиги ўринбосари Шоолим Шоваҳобов. — Шу билан бирга, мутахассисларимиз бир қатор чет давлатларда бўлиб, GPS тизими бўйича малака олиштириш, тажриба ўрганиб қайтишти. Шунингдек, ушбу мамлакатларда фойдаланиётган GPS тизими дастурий махсулотлари ва техникалари мамлакатимиз шароитида ва агентлик томонидан режалаштирилган мақсадларда ишлатилиб қўриш учун олиб келиниб, тест тариқасида шаҳарларо ҳамда шаҳар атрофи йўналишларда фаолият кўрсатаётган автобусларда синовдан ўтказилди. Маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ушбу тизим дастурларига бир қатор янги хавфсизлик боради, хатолардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатади.

Айни пайтда республикаимиз бўйича шаҳарларо йўналишларда қатнаётган 68 та автобусларда GPS мосламаси ўрнатилган. Шу йил охиригача эса шаҳарларо йўналишларда ҳаракатланадиган барча автобусларга шундай мосламаларни ўрнатиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, агентлик биносида диспетчерлик кузатув пункти ташкил этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ





Санжар ШОТУЛАГОНОВ олган сурат.

Халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Кўнги хотиржамлиги тинчликдан

Аҳмадхон ҒОҒУРОВ, пенсионер:



— Тошкентликман. Сергели туманида истиқомат қиламан. Узок йиллар турли идораларда меҳнат қилдим, маҳалла фуқаролар йиғинида раис бўлиб ишладим. Ҳозирда қариллик гаштини суриб юрибман. Бугун шаҳримизга меҳмон бўлиб келган дўстимни бош майдонимизни айлантириш учун олиб келдим. Тўғриси, бу майдонни кўриб кўзинг яшаб кетади. Одамнинг қалби фахр ифтихорга тўлади. Мустақиллик туйғусини янада қучурроқ ҳис қиласан. Кўнглингдан кўп гаплар ўта бошлайди.

Мустақиллик кадрини мана биз, собик тумани кўрган одамлар биламиз. Ҳозирги давр ёшлари биз бошимиздан ўтказган қийинчиликларни, камситишларни билмай ўлғайишмоқда. Илоҳим ҳеч қачон кўришмасин ҳам.

Биласизми, инсон учун энг муҳими нима? Кўнги хотиржамлиги. Кўнги хотиржам бўлган инсон узок яшайди. Телевизор орқали дунёнинг баъзи бир давлатларида бўлаётган тартибсизликларни кўриб юртимиз тинч эканлигидан хурсанд бўламиз. Масалан ҳаммамизнинг фарзандимиз ўқийди, ишлайди. Биз уларни эрталаб уйдан соғ-омон чиқиб, кечкурун соғ-омон қайтиб келишига ишонамиз. Бу эса айнан кўнги хотиржамлигидир. Юртимиздаги ҳар бир ота-она мен каби болаларидан кўнги тўк, хотиржам яшамокда. Ана шу тинчлик, хотиржамликнинг кадрига етишимиз керак.

Тошкентни яхши кўраман

Василиса КЛЕМЕНТЬЕВА, уй бекаси:



— Тошкентда туғилганман. Шу сабабли Она Ватаним Ўзбекистонни, Она шахрим Тошкентни жуда ҳам яхши кўраман. Бизнинг болалик пайтимизда Мустақиллик майдони умуман бошқача кўринишда эди. Тан олиш керак, қандайдир совуқ, келган одамнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатадиган даражада эди. Биласизми, ўшанда одамлар бу майдонга мажбурий равишда келтирилмаса, ўз хоҳиши билан келмасди. Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Мустақиллик йилларида бош майдонимиз умуман ўзгариб кетди, энг асосийси келган одамнинг кўнглини кўтарадиган, гурурини ўстирадиган даражада етди. Бугун икки ёшли кизим Вероникани бу ерга олиб келдим.

Биз ўсган кўпқаватли уйлارда турли миллат вакиллари бор. Тўғриси, ўзбеклардек оқибатли халқни кўрмаганман. Қўни-қўшичилик муносабатлари ҳам бошқаларникига умуман ўхшамайди. Мен ўз қўшниларимдан кўп нарса ўрганганман.

Миллатингиздан қатъи назар қайси юрда туғилсангиз ўша ер сиз учун Ватан бўлади. Менинг Ватаним Ўзбекистон. Ўзбеклардаги бағрикенгликка доим тан бериб келганман. Ана шундай инсонларвар, бошқа миллат вакилларининг хурматини жойига қўядиган одамлар билан бирга яшаётганимдан бахтиёрман.

Пойтахтимиз кун сайин чирой очмоқда

Фаррух МАТСАФАЕВ, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети талабаси:



— Баъзи олис вилоятларда яшовчи юртдошларимиз «10 йил олдин Тошкентга келгандим, жуда ҳам ўзгариб кетибди» деб гапириб қолишади. Вилоятдагиларни кўйиб туринг, шаҳар аҳолисининг ўзи ҳам ўзгаришларни сезмай қоляпти. Тошкент йил сайин эмас, ой сайин, кун сайин ўзгаришларни, чирой очяпти.

Хоразмдан пойтахтга келганимга беш йил бўлди. Шу ўтган давр ичида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Бир-бирдан гўзал бинолар, майдонлар, кенг ва равон йўللар қурилди. Мустақиллик майдони эса йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Бу ердан ҳар ўтганимда беихтиёр фахрланиб кетаман.

Мустақиллик майдони биз учун маърифат, маънавият, маданият марказидир. Майдонни айланар эканман, Хотира майдонидаги уруш қатнашчиларининг исми ёзилган китобларни ҳар гал варақлайман. Болалик пайтимизда болалигимиз ҳикоя қилиб берган уруш хотиралари кўз ўнгимда гавдаланади.

Хорижий меҳмонларни, юртимиз дўстларини «Мана менинг пойтахтим, мана шаҳримнинг бош майдони», деб гурурланиб, бу ерга олиб келишимиз мумкин. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз пойтахти, Мустақиллик майдони билан фахрланади.

Соғлом болаларнинг онаси эканлигимдан фахрланаман

Гулчехра САИДУМАРОВА, тикувчи:



— Зангиота туманида яшайман. Байрамларда Тошкентга тушганимизда Мустақиллик майдонига келамиз. Фарзандларимга майдоннинг олдинги кўринишини айтиб бераман. Ҳозир қоқ пешин пайти. Кўёш тиккага келиб қиздириятти. Кўпчилик бунақа пайтда уйда дам олади. Лекин қаранг, майдонга одам келиши сира ҳам тўхтамайпти. Айнан шу нарса Мустақиллик майдонининг халқимиз ҳаётидаги ўрни қай даражада эканини кўрсатиб беради.

Мустақиллик аввало фарзандларим учун мен ҳатто тушимда ҳам кўрмаган шароитларни муҳайё қилди. Айни пайтда мамлакатимизда болалар спортга қаратилётган эътибор, ажратилаётган маблағлар, ўтказилаётган мусобақаларни кўриб, бир она сифатида гурурланаман.

Ҳозир икки нафар ўғлим спорт билан шуғулланмоқда. Уларнинг саломатлигидан шикоятчи йўқ. Боласини соғлом бўлишини қайси она истамайди. Соғлом фарзанд нафақат оилани балки бутун жамятининг бахтидир. Шу юрда яшаётганимдан, соғлом болаларнинг онаси эканлигимдан фахрланаман...

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ эътибориди.

Семинар «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Анджонда «ОАВ маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари» мавзюда минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси масъул ходимлари, Анджон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги «Матбуот тарқатувчи» корхоналари раҳбарлари, мустақиллик ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок эттишти.

Тадбирда соҳада амалга оширилган ишлар, хусусан, 400 дан зиёд «Матбуот» дўконлари таъмирлангани, аҳоли гавжум жойларга қўшимча анги дизайндаги 38 та дўкон ўрнатилгани, терминал орқали ҳисоб-китоб қилаётган савдо шохобчалари сони 147 тага етгани, газета-журналлардан ташқари 1000 дан ортиқ номдаги китоблар савдога қўйилгани алоҳида қайд этилди.

Маъмур соҳа ходимларини рағбатлантириш мақсадида «Энг мохир матбуот тарқатувчи» кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани, вақтли матбуот веб-сайтларидан фойдаланиш йўлга қўйилётгани, даврий нашрларнинг обунасини ташкил этишдаги икчи таъриблар таъкидлашини билан бир қаторда хизмат кўрсатишини яхшилаш борасида бажарилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

ТАНИШ РАҚИБЛАР

энди Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал учрашувида ўзаро рўбарў келади

Куала-Лумпур (Малайзия)да Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал учрашувларига қуръа ташланди. Қитъамизнинг энг кучли саккиз жамоаси ярим финал йўлланмалари учун кечадиган баҳслардаги рақиблари номини билиб олди.

Маъмур нуфузли мусобақада курашни давом эттираётган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари навбатдаги босқичда Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» жамоасига қарши майдонга тушадилар. Учрашувлар уй-сафар тизими асосида шу йилнинг 19 сентябрь ва 2 октябрь кунлари бўлиб ўтиши белгиланган. Қуръага қўра, бунёдкорлар дастлабки ўйинни Австралиядан ўтказишади.

Кураш натижаларини диққат билан кузатиб бордим, — дейди «Бунёдкор» жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Умуман олганда, чорак финал йўлланма олган саккиз жамоанинг ҳеч бирини кучсиз деб бўлмайдди. «Аделаида Юнайтед» вакиллари билан мусобақанинг гуруҳ босқичида икки бор куч синашганмиз. Бу рақибнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини яхши биламиз. Шунингдек, австралияликларнинг ўйин услубидан ҳам хабардормиз. Бирок, олис сафарга бориб-қилишдаги парвозларнинг толик-тириши ва йўлдаги кутишлар бизга қийинчилик туғдириши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятга тайёрмиз ва мусобақадаги муваффақиятли одимимизни давом эттирмоқчимиз. Қолаверса, дастлабки учрашуви меҳмонда ўтказишимиз ҳам қайсидир маънода бизга устунлик бағишлаши мумкин. Лекин бу жиҳатнинг яхши-ёмонлиги ўйин арафасидаги жамоаларнинг ҳолатига боғлиқ.

Чорак финалнинг қолган жуфтликларини қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юрutiшади: «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Гуанчжоу Эвергранд» (Хитой), «Селасхон» (Эрон) — «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони), «Ульсан Хондай» (Жанубий Корея) — «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони).

Эслатиб ўтамиз, агар ҳамюртларимиз чорак финални муваффақиятли ўтказишса, финал йўлланмаси учун «Ульсан Хондай» — «Ал-Ҳилол» жуфтлиги қолиби билан куч синашади.

Диёра МАМЕТОВА

ОМАДЛИЛАР ВА ОМАДСИЗЛАР

Польша ва Украина яшил майдонларида давом этаётган XIV Европа чемпионати учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг гуруҳ босқичи охириги тур баҳслари ҳам муҳлисларга бир қатор қутилмаган натижаларни тақдим этди. «А» гуруҳининг дастлабки турида Россия футболчилари чеҳияликларни 4:1 ҳисобида доғда қолдириб, шов-шув кўтаришганди. Аммо қолган учрашувлари жуда бекарор ўтказган россияликлар кўпчиликини ажаблантирди. Аввалига чемпионат меҳмонлари билан (1:1) дуранг уйнаган Дик Адвокат шогирдлари учинчи турда Греция терма жамоасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Натияжада кейинги босқич йўлланмасидан қуруқ қолишди.



Кеча «С» гуруҳида ҳам охириги тур ўйинлари бўлиб ўтди: Хорватия — Испания, Италия — Ирландия.

Гуруҳнинг яна бир ҳал қилувчи баҳсида Чехия — Польша футболчилари ўзаро рўбарў келди. Унда омад чеҳияликларга қулиб бокди — 2:1. Гуруҳда пешқадамликни қўлга киритган Чехия ва Греция футболчилари мусобақанинг «плей-офф» босқичига йўлланма олдилар. Уларнинг чорак финалдаги рақиблари номини эса «В» гуруҳининг учинчи тур ўйинлари аниқлаб берди.

Аксарият муҳлислар 2010 йил-ги жаҳон чемпионати вице-чемпиони — голландияликлардан бу гал ҳам ёрқин галабалар кутганини шубҳасиз. Аммо улар «В» гуруҳи аутсайдери сифатида таърихдан жой оладиган бўлиши. Учта учрашув, учта маглубият! Аввалига Дания, Германия терма жамоаларига имкониятни бой берган «учар голландлар» охириги турда Португалия вакиллари 1:2 ҳисобида ютқазиб, ўз гуруҳларида сўнги погонани банд қилдилар. Яна бир шиддатли баҳс Дания — Германия терма жамоалари ўртасида кечди. Унда «немис машинаси» навбатдаги муҳим (2:1) галабага эришди.

Эътиборлиси, германияликлар гуруҳ баҳсларида барча уч ўйинда зафар кучган ягона жамоа бўлиб турибди. Улар бунгача Португалия (1:0), Голландия (2:1) футболчиларидан устун қилишганди.

Энди 21 июнь куни бўладиган чорак финалнинг дастлабки учрашувида Чехия — Португалия футболчилари ўзаро рўбарў келишса, 22 июнда Германия — Греция жуфтлиги майдонга тушади.

Эркин ХОЛБОБО

Table with football scores and standings. Includes columns for 'OB-XAVO' (19-20 - 06. 2012) and 'Dunё bуйlab' (°C) with various city scores like London (+13 / +12), Paris (+15 / +13), Moscow (+14 / +14), Madrid (+17 / +18), Beijing (+21 / +23), Hongkong (+27 / +26), Rome (+15 / +14), Athens (+22 / +21), Tokyo (+18 / +22), Stockholm (+10 / +11), Taipei (+12 / +10), Qohira (+29 / +31), Havana (+25 / +25), Washington (+16 / +18).

MUASSIS: Logo of the press center with 'O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI' text.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV. Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinosari). Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

Parlament faoliyati: 233-10-13; Pariya hayoti: 233-11-49; Mado'niyat va ma'naviyat: 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot: 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot: 233-12-56; Sport va vatandorlik: 233-44-55; Reklama va e'l-onlar: 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat: 233-72-83, 236-55-17. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari: 17078 nusxada bosildi. O'za yakuni - 22.00. Topshirilgan vaqti - 01.00. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi: Nurali ORIPOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2000-7633. QR code with number 1 2 3 4 5.